Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 56 (9.248) 1999 йил 17 май, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Иордания Ҳошимийлар Подшолиги парламентининг юқори палатаси аъзоси Тоҳир ал-Масрий раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида шу йилнинг 25-30 май кунлари «Юнусобод» спорт мажмуасида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўн учинчи Осиё чемпионатини ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси ўртасида Коммюнике имзоланди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақидаги масала муҳокама этилди.

◆ Ўзбекистонни янги асрда қандай истиқболлар кутмоқда? Иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг ўзбек модели қайси афзалликларини намоён этмоқда? Шарқона демократияни қандай идрок этамиз? Самарқанд давлат чет тиллари институтида жаҳондаги йирик сиёсатшунос, социолог ва иқтисодчи олимлар иштирокида ўтказилган халқаро илмий анжуман ана шу масалаларга бағишланди.

◆ Ҳамза номидаги академик театрда яна бир янги спектакль тақдимоти бўлиб ўтди. Қозоқ адиби Бақўжа Мўқаев қаламига мансуб «Ҳаётдан тўйиган тун» трагедияси театр мухлислари эътиборига ҳавола қилинди.

### ЖАҲОНДА

◆ Франция парламенти Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги битимни ратификациялади. Шундай қилиб мамлакатимиз ва ЕИ ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тўла ратификациялаш жараёни ниҳоясига етди.

◆ Француз сайёҳлари Жак Фон Полие ва Жюлен Дельпешлар ЮНЕСКО ҳомийлигида тайёрланган «Евроосиё бўйлаб 45 минг километрлик саёҳат» лойиҳа асосида машҳур саркардалар Александр Македонский, Амир Темур ва сайёҳлар Марко Поло, Александр Гумболдтларнинг босган излари ҳамда Буюк Ипак йўли бўйлаб автомобиль саёҳатига чиқдилар.

◆ Етти нафар грузин офицери мамлакат Мудофаа вазирлигининг тезкор хизмати раҳбари, полковник Отар Беладзе бошчилигида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» шиори остида НАТО программаси доирасида ўтадиган «Центразбат — 99» халқаро ҳарбий машқларда иштирок этиш учун Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди.

◆ Косонлик ҳамюртимиз дзюдочи Д. Раҳматова Туркия пойтахтида бўлиб ўтган халқаро турнирда учинчи ўринни эгаллади.

◆ Берлинда чиқадиган «Шарқ» журналининг Ўзбекистонга бағишланган сони «Ўзбекистон — Шарқ ва Ғарб ўртасидаги мамлакатдир» деган сарлавҳа билан чоп этилди.

◆ Туркиянинг Измер шаҳрида таниқли ўзбек рассоми, академик Шомаҳмуд Муҳаммаджоновнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

◆ Россия ва Украина божхона хизматчилари темир йўлларда қўшма тадқиқот синови ўтказишмоқда.

◆ Львовда Марказий Европа мамлакатлари президентлари билан учрашув қатнашчилари Белград ҳукуматини Косово муаммоларини ҳал этиш бўйича халқаро жамоатчиликнинг барча талабларини бажаришга чақирди.

◆ Қозоғистон президенти фармони билан республикада давлат сирларини ҳимоя қилиш бўйича агентлик ташкил этиладиган бўлди.

## Хотира ва Қадрлаш — муқаддас туйғу

***Мамлакатимизда кенг нишонланган умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни, қутлуғ айём муносабати билан пойтахтимиз марказида бунёд этилган Хотира майдони ҳамшаҳарларимиз дилини ҳамон тўлқинлантириб турибди. Қутлуғ қадамжога айланган муқаддас зиёратгоҳ — Хотира мажмуасида ҳар куни юзлаб ватандошларимизни учратиш мумкин. Айни кунларда муҳарририятимизга мактублар орқали келаётган дил изҳорларида ҳам қалблардаги ҳаяжон, диллардаги миннатдорлик туйғулари ўз аксини топган.***



### МИННАТДОРМАН

*9 майни «Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилиб, жангда шаҳид кетганларнинг номини абадийлаштирган Юртбошимиздан миннатдорман. Мана мен саксон иккига чиқдим. Ҳаётимда кўп шодлик ва бахтиёр онлар билан бир қаторда машаққат ва қайғуларни бошимдан ўтказдим. Мен шу дамгача бир нарсадан хурсанд бўлиб шукр қиламан. Бу ҳам бўлса, она юртимиз озод. Энди яна бир нарсадан хурсандманки, ўша машъум урушда ҳалок бўлган умр йўлдошим Мирҳомид Соатов ва укам Иброҳим Эшоновларнинг исмлари зарҳал лавҳаларга битилди. Аллоҳ раҳбаримизга узоқ умр, халқ дардидаги ишларида муваффақият ато этсин.*

*Фазлихон СОАТОВА,*

*Тошкент шаҳри, Тансиқбоев-2, 10 — 109-уй.*

**● Тўрамурод БОБОНАЗАРОВ, Бектемир тумани, «Маърифат» маҳалла оқсоқоли:**

— Инсон хотираси муқаддас туйғу эканлигига, яхшилар ёди ҳеч қачон унутилмаслигига Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан юртимизда кенг нишонланган Хотира ва Қадрлаш кунида яна бир бор шоҳид бўлдик. Пойтахтимиз Тошкентда бунёд этилган Хотира майдонининг тантанали очилиш маросимида Йўлбошчимиз ўз дил сўзларини ҳаяжон билан изҳор этар эканлар, хотираси йўқ миллатнинг истиқболи ҳам бўлмаслигини алоҳида таъкидладилар.

Бундай ҳурмат-эҳтиромдан, кексаларга кўрсатилган эъзоздан барчамизнинг дилимизда ғурур туйғулари жўш урди. Айниқса, телевизор орқали бу кунни орзиқиб кутган, жанг майдонларидан омон қайтган уруш фахрийлари, шаҳид кетган юрт ўғлонларининг қариндош-уруғлари чеҳрасидаги севинч ва ҳаяжонни кўриб, бу ишга бош бўлган Президентимизга барча маҳалламиз аҳли номидан раҳматлар айтдик.

**● Акмал АЗЛАРОВ, «Энг яхши ҳунарманд», «Усто» бирлашмаси:**

— Хотира майдонига зиёратга келган юртдошларимнинг чеҳрасидаги ҳис-ҳаяжонни, миннатдорчилик туйғуларини кўрар эканман, мана шу қутлуғ мажмуани бунёд этишда ўзим ҳам дўстларим билан ҳамкорликда иштирок этганимдан беҳад фахрланиб кетдим. Чунки биз ушбу бунёдкорлик ишларини бажарар эканмиз, юрагимизда ҳамиша эл-юрти, фарзандлари учун жон фидо этган қадрдон ота-боболаримизга меҳр-муҳаббат туйғулари жўш уриб турди, уларнинг руҳи поклари бажараётган ишларимизга мадад берди.

Бугун майдоннинг пештоқли айвонларини томоша қилган ҳар бир одам ана шу меҳр-муҳаббатни кўзлари билан кўриб, қалби билан ўқийди. Айниқса, Президентимизнинг ушбу мажмуа қурилишига алоҳида эътибор қаратиб, берган йўл-йўриқ ва кўрсатмалари меҳнатимиз самарасида аён бўлди.

*Дилноза ҒИЁСОВА ёзиб олди.*

*Фармон ва шарҳ*

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

***Бутун халқимиз иштирок этган Хотира ва Қадрлаш куни қалбларимизда чуқур из қолдирди. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ энг аввало инсонни, унинг қадр-қимматини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш жамиятимизнинг бош шиори сифатида олға сурилгани маълум. Қисқа вақт ичида бу йўлда жуда кўп ишлар қилинди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий жабҳаларда қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг энг буюк ва шарафлиси инсон номининг улуғланишини, унинг ҳурматини жойига қўйилиши деб баралла айта оламиз.***

Маълумки, юртбошимиз ҳаётнинг барча соҳаларидаги чуқур islоҳотларнинг бош мақсади инсон ва унинг бахт-саодатига хизмат қилишдан иборат бўлиши кераклигини ҳамиша таъкидлаб келадилар. Шунинг учун ҳам республикамизда тараққиётнинг халқимиз тарихий-миллий қадриятларига мос модели ишлаб чиқилди ва амал қилмоқда. Унинг бош моҳияти аҳоли турли қатламлари ижтимоий-иқтисодий аҳволи, турмуш даражасининг ҳаддан ташқари пасайиб кетишига йўл қўймаслик, мамлакатни катта тараққиёт йўлига энг қисқа вақт ичида олиб чиқишдан иборат. Инсонга ғамхўрлик ана шу тамойилдан келиб чиққанлиги табиий.

Бу йил илк бор нишонланган Хотира ва Қадрлаш кунининг асл моҳияти ҳам қандайдир мавҳум, мубҳам нарсаларни эмас, балки конкрет инсонларни — мамлакатимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган, жаҳон маънавияти хазинасига мислсиз ҳисса қўшган, асримиз бошларида истиқлолимиз йўлида, халқни маърифатга йўллашда фидойилик кўрсатган, Иккинчи жаҳон уруши, Чернобиль фожеасини бартараф этишда қатнашган ватандошларимизни номма-ном эслаш, улар руҳини шод этишга муяссар бўлдик.

**9 май арафасида Жамиятимизнинг демократик йўлдан — инсонпарварлик йўлидан собитқадамлик билан бораётганини яна бир карра исботловчи муҳим воқеа юз бердики, уни алоҳида таъкидлаш жоиз. У ҳам бўлса, республика Президенти Ислом Каримовнинг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида» эълон қилган Фармонидир. Бу Фармонни фақат бизнинг халқимизгина эмас, бутун жаҳон жамоатчилиги якдиллик билан инсонпарварлик акти сифатида кутиб олди.**

Зеро, мазкур умумий авф ғоят кенг қамровлилиги билан алоҳида ажралиб туради ва айни пайтда Президентимизнинг мамлакат фуқароларига оталарча ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир. Фармонда санаб ўтилган чекловлар татбиқ этилмайдиган маҳкумлар рўйхатига бир назар ташлашнинг ўзиёқ фикримизни исботлайди. Чунончи, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уларга тенглаштирилганлар, Чернобиль фожеасини бартараф этишда қатнашганлар, барча аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари, балоғат ёшига етмай жиноят содир этганлар ва бошқа маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод қилинади.

Яна уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ҳам жазодан озод қилинади. Фармондаги муҳим жиҳатлардан бири илк бор жиноят содир қилиб қамалганларга ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, қайта «тузалиш» учун катта енгилликлар кўзда тутилганидир. Жумладан, биринчи марта олти йилгача озодликдан маҳрум этилиб, унинг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинади. Шунингдек, илк бор ўн йилгача муддатга ҳукм қилинган ҳамда шу муддатнинг камида ярмини ўтаган шахслар ҳам озод бўладилар.

Фармондаги инсонпарварлик кўринишлари аёлларга алоҳида имтиёзлар кўзда тутилгани, оғир жиноят билан қамалганларга ҳам баъзи енгилликлар берилишида ўз ифодасини топган. Қамоқ жазосини ўтаётган хорижий фуқароларга ҳам кўпгина енгилликлар белгиланган. Умуман, ҳар қандай шароитда ва турлича қамоқ жазосига ҳукм қилинганларни ўз қилмишларини мулоҳаза қилиб, гуноҳларини ювишлари учун иложи борича имконият берилганини кўриш мумкин.

**Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда инсонни улуғлаш ва қадрлаш қуруқ шиор бўлмай, балки давлат сиёсатининг муҳим амалий қисми эканлигини яна бир бор намойиш этади.**

*Танловлар*

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ

Кейинги вақтда республикамиз Президенти Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини амалга ошириш борасида маданият соҳаси ходимлари ҳам фаоллик билан республикада миллий санъатимиз тарғиботи ва истеъдодларни рўёбга чиқариш каби эзгу ишларни амалга оширмоқдалар. Республика маданият ишлари вазирлиги раҳнамолигида ана шундай тадбирлардан бири амалга ошмоқда — куни кеча Тошкент давлат консерваториясида Ю.Ражабий номидаги V республика мақом ижрочиларининг танлови бошланди. Танловда республикамизнинг барча вилоятларидан ва Қорақалпоғистон Республикасидан мақом ижрочилари иштирок этмоқда. Кўрик-танлов 24 майгача давом этади, ғолиблар ва совриндорларни тақдирлаш ва уларнинг якуний концертини ўтказиш 23 май куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтади. Мақом ижрочиларини саралашга қаратилган бу тадбирнинг асосий мақсади истеъдодли ёш созанда ва хонандаларни кашф этиш ва миллий қадриятларимизни қадрлашга қаратилган янги-янги қўшиқ ва куйлар яратишдан иборатдир.

*Мухтасархон КАРИМОВА.*

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШ САЛОҲИЯТИ ОШАДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Пойтахтнинг қурилиш индустрияси» кўргазма-ярмаркасининг ўтказилишига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.***

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Тўхтаев, шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг бошлиғи А.Йўлдошевлар ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, шаҳримиз қурилиш корхоналарининг салоҳияти ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишди, журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтаришди.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган кўпгина қурилиш материаллари талабга жавоб бермаяпти. Бироқ, «Империал» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган юқори сифатли гулқоғозлар, «Тезинтом» қўшма корхонасининг асосий маҳсулоти ҳисобланмиш металл черепицаларга ҳозир талаб катта, кўпгина қурилиш ташкилотлари ушбу сифатли материаллардан кенг фойдаланмоқда. «Пойтахтнинг қурилиш индустрияси» кўргазма-ярмаркасини ўтказишдан мақсад ҳам нафақат шаҳримиз қурилиш саноатида ишлаб чиқарилаётган юқоридаги каби сифатли маҳсулотлар билан корхона ва ташкилотларни таништириш, балки янги ишланма ва лойиҳаларни ҳам намоён этиб, уларни ўзаро узвий боғлаш, чет эллардан материаллар келтиришни камайтириш ва бугунги кун талабидаги материалларни қурилиш жараёнида қўллашга эришишдир.

Ўйлаймизки, бугун ўз ишини бошлаган, мулкчилик шаклидан қатъи назар шаҳримиздаги деярли барча қурилиш ташкилотлари иштирок этаётган кўргазма-ярмарка қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган корхоналар ўртасидаги рақобатни таъминлаш, маҳсулотларнинг таннархини тушириш ва уларнинг қурилиш бозорида ўз ўрнини топиши йўлида муҳим омил вазифасини ўтайди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*Шаҳримиз обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари ва маданий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.*

*СУРАТДА: шаҳримизнинг Ҳамза туманида қад кўтарган янги бинолардан бири тасвирланган.*



*Қулайлик*

## ЯНГИ ДЎКОН ОЧИЛДИ

Собир Раҳимов туманидаги «Пахта» маҳалласида янги нон дўконининг ишга тушгани шу ерлик аҳолини иссиқ нон билан таъминлайдиган бўлди. Шунингдек, бежирим қурилган кичик-кичик савдо дўконларидан кундалик эҳтиёж молларини сотиб олиш мумкин. Бу ерда бекор юрган ёшларни ишга жалб этиш учун ойна кесиш, жиҳоз, таъмирлаш сингари кичкина цехлар ҳам очилди. Маҳаллада рўзномалар сотувчи дўкон ҳам савдо расталари орасидан жой олди.

*Муқаддас ЮСУПОВА.*

*Янгилик*

## БЕЖИРИМ ВА ЧИРОЙЛИ

***Ижарадаги Тошкент матбаа корхонасида фаолият кўрсатаётган қути ишлаб чиқариш цехининг очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Цехда буюртмалар асосида турли саноат молларини қадоқлаш ҳамда ўраш учун ишлатиладиган қоғоз ва картон қутилари ишлаб чиқарилмоқда.***

Аввалига аксарият жараёнлар қўлда бажарилиб, қутиларнинг қолиплари бутунлай бошқа дастгоҳларда тайёрланарди. Шу сабабли ҳам самарадорлик анчагина паст эди.

Цехга янги «Хельденберг» номли немис фирмасининг замонавий дастгоҳининг ўрнатилиши иш унумининг ортишига ҳамда маҳсулот тури ва сифатининг яхшиланишига сабаб бўлди. Янги йилдан бошлаб ушбу цехда картон қутиларининг бежирим ва чиройли турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Келгусида жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ниятидамиз, — дейди цех бошлиғи Сайдамбек Қурбонов. — Бунинг учун германиялик ҳамкорларимиз билан алоқани йўлга қўйиб, 5 хил рангда безакдор қутилар ишлаб чиқарувчи дастгоҳ ва махсус ускунани олиб келиб ўрнатиш режамиз бор.

*Дилфуза ҒОФУРОВА.*

*Саноат*

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Дунёда инсон учун энг зарур бўлган нарса — бу сиҳат-саломатликдир. Одам соғ-саломат бўлсагина барча ишларни амалга оширишга қодир бўлади. Шу туфайли ҳам «Саломатлик — туман бойлик» деб бежизга айтилмайди. Мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини сақлаш йўлида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ўзкимёфарм» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётган корхоналардан ҳисобланади. Мухбиримизнинг ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Сайдулла АСАТОВ билан суҳбати муҳим вазифа — инсон саломатлигини тиклаш учун корхонада айни кунлардаги бажарилаётган ишлар, кўзланаётган режалар хусусида бўлди.***

**— Ҳиссадорлик жамиятида ўз олдида турган олий мақсад йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Корхонамиз 57 йиллик фаолиятга эга бўлиб, Ўрта Осиёдаги ягона йирик ишлаб чиқаришлардан бири ҳисобланиб келади. Асосий мақсадимиз аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида меҳнат қилиб, уларни зарурий дори-дармонлар билан таъминлашдир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 404-қарорига кўра мамлакатимиздаги ҳар бир дорихонада зарурий ҳисобланган 20 хил дори-дармонни ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхати бўйича мамлакатимизда кўп ишлатиладиган дорилар ҳамда уларнинг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхонамиз 1996 йилда ҳиссадорлик жамиятига айланди. Ўтган давр мобайнида бир қатор ижобий ўзгаришлар бўлди. Энг асосийси, ҳиссадорлик жамиятидаги ҳар бир акциядорнинг мулкка — дастгоҳларга, хом ашёга муносабати ўзгарди. Асбоб-ускуналарни авайлаб-асраш, хом ашёни тежаб-тергаш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқариш ҳар бир ҳиссадорнинг ўзига фойда келтиришини жамоа аҳли яхши англаб етди.

Жамоамизда 650 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади. 5 та цехимиз 1 сменада ишламоқда. Тўғриси, дастгоҳларимиз йиллар давомида ишлатиб эскирган, шу боис ҳам янги турдаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун босқичма-босқич янги жиҳозлар сотиб олиниб, цехларимизга ўрнатилмоқда. Чунки замонавий технологиясиз бугунги бозор талабидаги сифатли маҳсулот тайёрлаш мушкул. Шунинг учун ҳам таблетка цехимизни қайта таъмирдан чиқариб, замонавий ускуналар ўрнатишни бошлаб юбордик.

**— Хорижий шериклар билан ҳамкорликни қандай йўлга қўйгансизлар?**

— Биз хорижий ҳамкорлар билан узвий алоқада иш юритишга интилмоқдамиз. Бугунги кунда Туркия Жумҳурияти билан ҳамкорликда «Ўзбекхехстфарм», Германия билан биргаликда «ТошТамед-Фарма» ҳамда «FPI—Тошкент» Ўзбекистон — Россия — Англия қўшма корхоналари ташкил этилган бўлиб, бу корхоналарда қадоқлаш, капсула ҳамда малҳамлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, уларда илгари республикамизда ишлаб чиқарилмаган, импорт ўрнини босувчи дори-дармонлар тайёрлаш йўлга қўйилади, нархи ҳам нисбатан арзонроқдир. Келгусида эса бошқа хорижий давлатлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятимиз бор.

**— Хом ашё масаласи қандай ҳал этилаётгани хусусида ҳам тўхталсангиз...**

— Дори-дармонларимизнинг тури ва сифати йилдан йилга ортиб боряпти. 1995 йилда 66 хил дори-дармон тайёрлаган бўлсак, 1998 йилда уларнинг тури икки баравар ошди. Жорий йилда эса ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар тури 120 дан ҳам ортиши кўзда тутилган. Шунингдек, «Витамин-Б-12», «Витамин-В-6», «Витамин В-1» (ампулада), эуфиллин, кобовид, изониазид, парацетамол таблеткалари ва турли хил витаминлар, «Синтомицин» малҳами, «Нафтизин» суюқлиги ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. 30 фоиздан ортиқ ўзимизнинг хом ашёдан фойдаланамиз. Буларга республикамизда ўсадиган доривор ўсимликлар, илмий текшириш институтларида тайёрланаётган янги, химконцерн корхоналаридан олинадиган хом ашёлар киради. Яқин ва узоқ хориж давлатларидан, яъни Россия, Украина, Болтиқбўйи давлатлари, Голландия, Испания, Хитой, Ҳиндистон сингари мамлакатлардан хом ашё келтирамиз.

**— Дори-дармонлар четга ҳам чиқариладими?**

— Ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимиз рўйхатдан ўтади. Аҳоли эҳтиёжидан ортганини четга ҳам сотамиз. Лекин бунинг учун республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар бир давлатга ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтган дорилар четга чиқарилади. Ҳозирча Қозоғистонда 9 та, Украинада 3 та доримиз рўйхатдан ўтган. Айни кунларда ана шундай рўйхатдан ўтиш давом этмоқда.

**— Корхонани қайта жиҳозлаш ишлари учун маблағни қаердан олаяпсизлар?**

— Давлатдан 14 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит оламиз. 80 фоиз қурилиш ишлари тугалланган янги биномиз бор. Ана шу бинони умумжаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаб, яна 3 та цех очамиз ҳамда бу цехларда 50 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Шу билан биргаликда эскиларини ҳам қайта жиҳозлаш ишларини давом эттирамиз.

**— Муаммолар хусусида нима дейсиз?**

— Албатта, муаммолар ҳам етарли. Лекин ҳозир четдан ёрдам кутиш ҳам бефойда. Шунинг учун иложи борича ички имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиляпмиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида дори ҳамда тиббий анжомларнинг сифатини назоратдан ўтказиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Назоратдан муваффақиятли ўтган дори-дармонлар асосий цехларга ишлаб чиқариш учун берилади. Лекин бу анча вақтни талаб қилади. Четдан келтириладиган дорилардан устун ва айниқса, хом ашёси ўзимизда топиладиган дориларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қиламиз. Асосий муаммолардан бири эса — бизга тиббий шиша идишлар тайёрловчи бирор корхонанинг йўқлигидир. Бу нарса ишимиз ривожига анчагина таъсир этади.

**— Кадрлар масаласи қандай ҳал этилади?**

— Тошкент фармацевтика институтида шартнома асосида керакли ходимларни ҳамда уларнинг фарзандларини ўқитамиз. Бизга малакали кадрлар етказиб берувчи замин бор, албатта.

**— Аёллар йилида жамоада хотин-қизларга қандай шароитлар яратилди?**

— Ишчи-хизматчиларимизнинг асосий қисмини аёллар ташкил этади. Шу боис ҳам Президентимизнинг 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилганлиги жамоамиз аъзоларини тўлқинлантиргани ҳақиқат. Аёллар йили бўйича дастур тайёрлаганмиз ва унга кўра иш олиб борилмоқда. Жумладан, хотин-қизларнинг иш соатларини қисқартирдик, бепул медицина кўригидан ўтишни ташкил этдик, меҳнат таътили даврида санаторий ва дам олиш уйларига бепул йўлланма, иш ҳақининг 50 фоиз миқдорида пул берилади. Меҳнат таътилига эса 1 кун қўшиб берилди. Шунингдек, ҳиссадорлик жамияти қошидаги дорихонадан рецепт асосида бепул дори-дармонлар билан таъминланади. Хуллас, оламни мунаввар этувчи аёлларимиз доимо эътибор ва эъзозда, десам, хато қилмаган бўламан.

*Суҳбатдош Шарифа ИЛЕСОВА.*



*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# ПОЧТАЧИЛАРГА ЯНГИ ЛИБОСЛАР

Шаҳримизнинг почта хизмати ходимлари бу йилги Хотира ва Қадрлаш кунини нафақат ишдаги юқори кўрсаткичлар билан, балки янги, бежирим хизмат кийимига ўтиш билан ҳам нишонладилар. Бутун 161-алоқа бўлими ва Бош почтамтнинг марказий зали мижозларига хизмат кўрсатувчи оператор аёллар қордек оппоқ кофталари устидан яп-янги, Тошкентдаги «Ёшлик» фирмасида тайёрланган сўнгги русумдаги ҳаво рангдаги калта камзуллар ва қора юбкалар, эркаклар эса худди шу каби хушбичим костюмларни кийдилар. Янги либосларнинг енглари ва тугмаларидан корхона нишонлари ўрин олган бўлса, янги кийим кийган барча ходимларнинг кайфиятлари кўтаринки, чиройли либос ишга ярашиғлиқ бўлиши учун янада яхшироқ хизмат қилишга шайланганлар. Зеро, либос ҳам катта масъулият юклайди — бизнинг почтамиз тўғрисида кишиларда кўпроқ яхши фикр-мулоҳазалар бўлиши учун ҳар бир мижозга катта эътибор қаратиш, хушмуомалалик, пухта хизмат кўрсатиш, белгиланган қоида ва мажбуриятларни тўла-тўкис бажариш жоиздир. Ўзининг барча туманлари ва алоқа бўлимларини ҳам қўшган ҳолда туманлараро филиаллари билан «Тошкент почтамти» акциядорлик жамиятига айланган пойтахт почта хизмати ходимлари жамоаси ўзининг корхонадаги хўжайин сифатидаги янги ўрнини тобора аниқроқ ҳис этган ҳолда бозор муносабатлари талабларини синчковлик билан ўзлаштирмоқдалар. Зеро, янги шароитларда фақат сенинг ўзинг ва меҳнатингга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлиги, ходимлар — акциядорларнинг турмуш даражаси боғлиқ бўлади.

Ўтган 1998 йилда янги раҳбар Ю. Мирсоатов ва жамоа корхона иқтисодини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатишнинг янги турлари ва шаклларини излаш ва жорий этишга асосий эътибор қаратдилар. Натижа ҳам сезиларли даражада юқори бўлди. 1997 йилга солиштирганда хизматлар кўрсатишдан тушган тушум 40,7 фоизга ўсди, аҳолига хизмат кўрсатишдан тушган тушум эса 34,8 фоизга ошди. Тўғри, корхонанинг харажатлари ҳам 40,8 фоизга ошди, бироқ ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатлар сезиларли даражада камайди, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўлмади. Ихтисосликдан ташқари хизматлар бир ярим баробар кўп кўрсатилди ва улар 4 миллион сўм атрофидаги миқдорда соф фойда келтирди. Ҳаммаси бўлиб 16 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олинди. Бундай ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилди, бироқ у янада амалийроқ йўналишда ва ходимлар амалга оширадиган барча ишлар фойда келтириши керак деган принцип асосида бўлди. Ва фойда кескин ўсди. 1999 йилнинг биринчи чорагида корхона олаётган фойда 13,7 миллион сўмни ташкил этди, яъни у деярли бутун ўтган йил даражасида бўлди.

Анъанавий почта хизматлари — хатлар, посилкалар, почта орқали пул юборишлар лозим даражада ривожланмади, телеграммалар, даврий нашрлар бўйича ҳажм ҳатто камайди ҳам. Бунда мижозлар — юридик шахслар томонидан почта хизматлари учун харажатларнинг қисқартирилиши намоён бўлди, масалан улар баҳоли (қиймати кўрсатилган) мактубларни 17 фоизга кам юбора бошладилар. Айрим филиалларда маҳсулот таннархи кўрсаткичлари ошиб кетди.

Акциядорлик жамиятида ушбу барча «нозик жой»ларни таҳлил қилишди, аҳволни ўзгартириш учун аниқ амалий чора-тадбирларни белгилаб олишди. Хизмат кўрсатиш сифати янада кенгроқ рўйхат бўйича ноанъанавий хизматлар кўрсатишга асосий аҳамият қаратила бошланди. Сифат учун кураш хизмат кўрсатиш технологияларидаги қоидабузарликлар учун жазо чоралари миқдорини 2 миллион сўмдан оширроққа камайтириш имконини берди. Курьерлик почтаси, аҳолидан коммунал хизматлар, электр энергияси, газ учун тўловлар қабул қилиш каби ноанъанавий усулдаги хизматлар кўрсатила бошланди.

Почта ходимлари ҳатто болалар боғчаси, ер ва автотранспорт солиқлари учун тўловларни ҳам қабул қилмоқдалар. Ўтган йили шундай хизматлар кўрсатиш натижасида 7 миллион сўмликдан ортиқроқ миқдорда даромад олинди. Бунда пойтахт почта ходимлари олинган нақд пуллар туриб қолмаслигини кузатишга ҳаракат қилмоқдалар — уларни дарҳол ўз йўналиши бўйича юбормоқдалар.

Корхонада зарар кўраётган филиаллар йўқ, ҳар бир паст рентабелли бўлим билан уни ҳам даромад келтирадиган қилиш учун махсус режа бўйича иш олиб борилмоқда. Бош почтамт ходимлари акциядорлик жамияти шароитларида ишлашнинг афзалликларини юқори баҳоламоқдалар — зеро, уларнинг иш ҳақлари деярли икки баробарга ошди. Шу сабабдан янада яхшироқ ишлашга уринмоқдалар.

Ўтган йили корхоналарнинг акцияларини сотиш юзасидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди — улар яхшигина оммабоп бўлди ва ўзининг белгиланган қийматидан анчагина юқори бўлган нархларда сотилди. Чунончи, акциялар пакетининг салмоқли миқдорини «Алоқабанк» сотиб олди, жамоа олиши учун мўлжалланган акцияларнинг 70 фоизга яқини ҳозиргача сотиб бўлинди. Тушган маблағларнинг каттагина қисми корхона мақсадлари учун — бинолар, алоқа узеллари ва бўлимларини тартибга келтириш учун йўналтирилди. Мана энди хизмат либосига ҳам буюртма бердилар — бу албатта катта маблағни ташкил этади — ҳар бири 12 минг сўмдан бўлган 427 та комплект ҳазилакам гап эмас. У ходимларга бепул берилади. Дастлаб янги иш кийимларини бевосита мижозлар билан ишловчи операторларга беришди, кейин уни хат ва газета ташувчилар ва бошқалар кийишади. Ушбу хизмат костюмларини ишлаб чиққан модельерларнинг айтишларича, ҳозир тажрибавий моделлар ўзлаштирилмоқда ва уни почта ходимлари ҳамда мижозлар қандай баҳолашига қараб истиқбол учун қарор қабул қилинади.

Почтамт томонидан амалга оширилаётган фаолият борасида хизмат кўрсатишни такомиллаштириш биринчи ўринга қўйилмоқда ва АЖ ҳамда унинг филиаллари раҳбарияти, алоқа бўлимлари, айниқса мижозлар заллари ходимлари улар хизмат либосида бўладиларми ёки формасизми — хушмуомалалик, мижозлар билан маданиятли равишда муомалада бўлиш, ўз мажбуриятларини малакали амалга ошириш, ташаббускорлик ва тадбиркорликлари билан улар акциядорлик жамияти иш даражасини кўтариш, ўз фаровонликлари учун, энг муҳими — аҳоли мамнун бўлиши учун кўп нарсаларга эришиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

*Д. КУДИНОВ.*

*СУРАТДА: Тошкент почтамти суғурта бўлимининг хат ва хабарлар шохобчаси оператори Зуҳра Зарипова.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*18 май – Халқаро музейлар куни*

# МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

***Халқаро музейлар ташкилотининг 1977 йили Москвада бўлиб ўтган XI бош конференциясининг кўчма йиғилиши ҳар йили 18 майни «Халқаро музейлар куни» деб эълон қилади ва бу ҳақда қарор қабул қилди.***

Халқаро музей кенгаши IKOM нодавлат ташкилоти бўлиб, у 1946 йили ЮНЕСКО қошида Париж шаҳрида ташкил этилган. Халқаро музейлар ташкилоти IKOM ташкил қилингунига қадар 1880-йилларнинг охири XX асрнинг бошларида ҳар хил ижтимоий ташкилотлар қатори музей ходимларини ва музейларни бирлаштирган. 1889 йили 28 июнда Англиянинг Йорк графлигида Интернационал музейлар ассоциацияси ташкил топган эди.

Биринчи жаҳон уруши тугаши билан Миллатлар Лигаси ташкил топди. Асрлар давомида халқларнинг маданий меросини асраб-авайлаш мақсадида ва музейларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Миллатлар Лигаси қошида музейлар Бюроси тузилган эди.

Кейинроқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топгач унинг қошида ЮНЕСКО тузилиб, Халқаро музейлар ташкилоти IKOM ҳам тузилди. Халқаро музейлар ташкилоти Жаҳон мамлакатларидаги музейлар, халқларнинг маданий ёдгорликларини ва санъат асарларини асраб-авайлаб уларни келажак авлодларга етказиш борасида кўп ишларни амалга оширди. ЮНЕСКО тасарруфига ўтган IKOMнинг биринчи президенти этиб Чанси Д. Гамли сайланган эди. Чанси Д. Гамли (АҚШ) ва Жордж Сали (Франция) ларнинг фаол ҳаракатлари туфайли жаҳон мамлакатларидаги музей ишлари анча ривожлантирилди.

1946 йили 29 мамлакат IKOM га аъзо бўлган бўлса, 1950 йили уларнинг сони 50 тадан ошиб кетди. Бу мамлакатлар асосан Оврупа минтақасида жойлашган давлатлар эди.

1996 йилга келиб IKOM га аъзо бўлган музейлар сони яна ҳам кўпайди. 135 мамлакатда 12000 музей IKOMга аъзо бўлди ва Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзасида минтақавий кенгашлари тузилди.

Парижда жойлашган IKOM нинг бош котибияти жаҳон миқёсида инсониятнинг авлодларга қолдирган бой олтин меросини асраб-авайлаб сақлаш борасида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси IKOM нинг 167 аъзосидир. Ўзбекистон ҳудудидаги ноёб қадимий тарихий ёдгорликлар ва Тошкентда сақланаётган Халифа Усмон Қуръони IKOM томонидан инсониятнинг ва Жаҳон ҳамжамиятининг мулки сифатида рўйхатга олинган.

1997 йили Ўзбекистон музейлар кенгаши тузилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони музейлар ва музей ходимларининг ҳаётида катта бурилиш бўлди.

Мамлакатимиз ҳудудида қадимдан мавжуд бўлган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларни халқимизнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини янада ошириш мақсадида «Ўзбекмузей» республика жамғармаси тузилди.

Бу жамғарма музейлар фондларида асрлар давомида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихидан гувоҳлик берувчи ноёб ва нодир экспонатларни авайлаб-асраш, уларни таъмирлаш ва илмий томонларини ўрганиш ҳамда янги экспонатлар билан бойитиш билан шуғулланмоқда.

Республикамизда 1200 дан ортиқ музейлар мавжуд бўлиб, бир неча мутахассисликка оид соҳа ҳамда олим, ёзувчи, рассом ва артистларнинг уй-музейлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги 1998 йил 5 март қарори «Ўзбекмузей» жамғармасига, Ўзбекистон музейлари IKOM га аъзо бўлганлигини ҳисобга олиб, республикадаги барча музейларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди.

Ушбу қарорда мамлакат ҳудудидаги музейларни асосли тузатиш, музей иншоотлари қуриш, уларни зарур техник воситалар ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун маблағ билан таъминлаш кўрсатилган .

Яқинда Президентимиз Ислом Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузаларида XXI асрнинг дастлабки чорагида Ватан, халқ олдидаги вазифаларнинг бош стратегиясини белгилаб бердилар. Маърузада таъкидланганидек, олам-олам маънони ўз ичига қамраб олиб, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётда эркинлик ва яна эркинликка даъват этдилар. Ҳар бир соҳа ходимлари олдига янги-янги вазифалар қўйдилар.

Жумладан, музей ходимлари олдига ҳам янги минг йилликка ўзимизнинг нималаримиз билан кириб боришимиз ҳақидаги дастуримиз белгиланди.

Юртбошимиз Ислом Каримов илгари сурган ривожланишнинг стратегияси маънавий ҳаётимизнинг мазмунини ҳам ўз ичига олган, соғлом ахлоқий, одоб нормаларининг муаммоларини ечиш илгари сурилган. Жаҳолат ва ақидапарастларга қарши ғоявий кураш олиб боришда, ёшларимизни соғлом, баркамол инсон қилиб тарбиялашда музейлар тарбия ўчоғи бўлмоғи керак. Озод мамлакатнинг улуғвор озод ўғил-қизларини тарбиялашда аждодлар меросига суянган ҳолда ҳар қандай ёвуз кучларга йўл қўймайлик.

*Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,*
*Темурийлар тарихи Давлат музейи катта илмий ходими, тарихчи олим.*



*Хориж матбуоти – Ўзбекистон ҳақида*

# ОЛМОН ТИЛИДА

***Танланган истиқлол ва тараққиёт йўлидан оғишмай дадил одимлаётган мустақил юртимиз — Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўси тобора ошиб бормоқда. Шу боисдан бўлса керак, хориж матбуоти ҳам ўз саҳифаларида гўзал диёримиз ҳақидаги материалларга кенг ўрин бераётир.***

Яқинда Олмонияда чиқадиган «KURIER» журнали Ўзбекистонга бағишлаб, «Тошкентдан олмон тилида» номли суратли мақола эълон қилди. Унда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармасининг олмон тилида радиоэшиттиришлар таҳририяти фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

— Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси тармоғида кунига жаҳоннинг ўн икки тилида радиоэшиттиришлар эфирга узатилади, — дейилади мақолада. — 1994 йилнинг июлида олмон тилида эшиттиришлар таҳририяти ҳам очилди. Бугунги кунда бу ерда 10 нафар ходим ишлайди. Олмон тилида эшиттиришлар кунига бир соатни ташкил этади.

Таҳририят ижодий ходимлари ҳар бир эшиттиришнинг ранг-баранг ва мазмунли бўлишлиги учун куч-ғайратларини аямайдилар. Кундалик дастурлар мустақил Ўзбекистон ҳаётидан олинган янгиликлар билан бошланиб, маданият ва спорт хабарлари билан якунланади. Хилма-хил рукнлар остида қизиқарли материаллар доимий равишда ёритиб борилади. Жумладан, «Миллий қадриятлар» рукни ўзбек халқининг қадриятлари, анъана ва урф-одатларининг қайтадан тикланиши мавзуига бағишланади.

Чоршанба кунлари ҳаво мавжларида тараладиган «Хайрли кеч, Оврупо» ахборот-мусиқий дастури долзарб мавзудаги интервьюлар, суҳбатлар, ахборот ҳамда дилрабо куй ва қўшиқлардан иборат бўлади. Пайшанбадаги «Бизга ёзадилар» эшиттириши радиотингловчилар мактублари асосида тайёрланади. Ҳафта якшанба кунги «Ҳафта акс-садоси» деб номланган ахборот дастури билан якунланади. Шунингдек, «Якшанба учрашувлари» деб номланган яна бир эшиттириш ҳам борки, унинг иштирокчилари бевосита студияга меҳмон сифатида таклиф этиладилар.

Ҳар ойда икки марта эфирга чиқадиган «Адабиёт карвони» эшиттириши радиотингловчиларни ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ижоди билан яқиндан таништиради.

Булардан ташқари, ҳар йили радиотингловчилар ўртасида танлов ўтказиб бориш ҳам анъанага айланган. Жумладан, 1997 йилда «Дунё мустақил Ўзбекистон овозини тинглайди» мавзуида ташкил этилган танловга тингловчилардан жуда кўплаб мактублар олинди. Республика Президенти Ислом Каримов томонидан «Оила йили» деб эълон қилинган — 1998 йилда ўтказилган танловда ҳам кўплаб мухлислар иштирок этиб, ғолиблар қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар. Жорий йилда ҳам давом эттирилаётган ушбу анъанавий беллашув табиийки, Аёллар йили мавзуига бағишланмоқда, — дейилади мақола сўнггида.

*Мирзаали АКБАРОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Телерадиокомпанияси хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармасининг олмон тилида радиоэшиттиришлар таҳририяти фаолиятидан лавҳалар акс эттирилган.*



# ТОШКЕНТ ШАХМАТИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейининг наққошлик хонасидан муносиб ўрин олиб турган мўъжаз ёғоч ҳайкалчалар санъат мухлислари эътиборини тортаётир. Улар катакчаларда саф тортиб туришибди. Ҳар икки тараф ўн олти донадан, ҳисоб бирдек олинган. Булар XIX асрда кашф этилган Тошкент шахмат (шатранж)лари — нақш-нигор, ҳаворанг, жигарранг, қизил, оқ, қора рангларда.

Ҳа, жаҳон халқи севиб келган спорт турларидан бири, «ақл гимнастикаси» номи билан машҳур шахматни тошкентлик усталар аллақачон кашф этишибдию, кўплар бундан бехабар бўлсалар керак. Тасвирларга эътибор берсак, ягона шахмат турига мутлақо ўхшамайди. Ким томондан яратилгани ҳам номаълуму миллий руҳиятга интилиш, Тошкент хонлиги пайтлари илк марта қандайдир махсус фармонга кўра саройда кашф этилиб, ўйнаб ҳам кўрилган бўлса ажаб эмас. Оғзаки далилларда шундай гапларни эшитаяпмиз. Балки, Туркистон заминини қадимдан ўзининг шунга ўхшаш ҳар бир шаҳар хонлиги шатранжи, яъни шахматига эга бўлгандир. Бу эса, маданият, маърифат, маънавият соҳасида эркдан дарак бераётир. Маданиятимиз равнақини исботлаб турибди.

... Икки четда меъморлик иншоотларидан бири — мачит минораси. Ўртада шоҳ маликаси билан тахтда ўтиришибди. Икки тарафларида отлиқ, туяли карвон, соқчи ва вазирлар. Бу шатранжнинг бир палласи бўлиб, жигарранг, оқ нақшларда, олдинда оппоқ, шохдор қўчқорлар эса ҳужумга шайланиб туришибди. Иккинчи палласидаги шатранжлар ҳам худди шунақа тасвирларда, бироқ ранглардан фарқ қилади. Шох оқ салла ўраган, бошқа ҳайкалчалар қизил, озгина оқ, кумуш рангларда акс этган. Олдинда қора рангли қўчқорлар, туялар тўқ жигаррангда, қора байир отлиқлар ўта сергак, чавандозлардек тасвирланган. Ҳар бир тасвир кичик кўринишларда бўлсада, ниҳоятда образли, салобатли, ҳаракатчан, жонли чиққан. Тошкент маданияти тарихини ўрганиш учун музей ходимлари 1934-1938 йиллар орасида илмий экспедицияларининг бирида янги ташкил топган Ўрта Осиё халқ санъати бўлимига биз тилга олган шатранж-шахмат турини топиб, наққошлик хонасига қўйишганди.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос.*

*Келажакка одимлаётган шаҳар*

# ИЗЛАНУВЧАН ЛОЙИҲАЧИЛАР

***Тошкент кўркам, чиройли бинолари билан кўплаб чет эллик меҳмонларни ўзига жалб қилмоқда. Шаҳримизда қурилган ва қурилаётган янги, бир-биридан гўзал бинолар мажмуасини яратишда Тошкент шаҳрини қуриб обод қилиш ва қайта қуриш бош лойиҳа институтининг меъморчилари ва муҳандисларининг ҳам хизмати катта. Яқинда биз ушбу лойиҳа институти бошқарув раисининг ўринбосари Аброр Толипов билан суҳбатлашдик.***

— Бизнинг институтимиз асосан Тошкент шаҳрини қуриш ва қайта тиклаш ишларини замонавий лойиҳалар ҳамда миллий меъморчилик усулида олиб бориш билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошира бориб республикамизда жуда кўплаб махсус академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари очиляпти. Биз ҳам 1999 йили республикамиз ҳудудларида қурилган мана шундай билим юртлари учун қатор лойиҳаларни тайёрладик. Бу лойиҳалар ўқувчилар учун барча ўқув ва бошқа зарурий шароитлар яратилишини ўз ичига олган ҳамда уларнинг архитектура кўриниши замон талабларига тўла жавоб беради. Бу янги замонавий лойиҳалар мутахассислар томонидан изчил ўрганилиб, маъқулланди. Айни дамда уларни шаҳримиз ва республикамизнинг барча вилоятларидан келган буюртмачиларимиз ҳузурига жўнатяпмиз. Улар ўзларини табиий шароитларига қараб ушбу лойиҳалар асосида иш олиб борадилар. Хусусан, яқинда бизнинг лойиҳамиз асосида Уйғур кўчасида 600 ўқувчига мўлжалланган замонавий коллеж қурилиши бошланди ва 4 та эски биноларда коллеж учун мўлжаллаб таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Яқин кунларда Навоий кўчасидаги 900 ўқувчига мўлжалланган қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежи, Мовароуннаҳр кўчасида 900 ўринли, Лутфий кўчасида 300 ўринли ва Мирзо Улуғбек туманининг Тепамачит кўчасида 900 ўринли коллежлар қурилиши бошлаб юборилади.

Шунингдек, шаҳримиз аҳолисини замонавий миллий услубларда уй-жой билан таъминлаш мақсадида «Тошуйжойқурилишжамғармабанк» буюртмасига биноан фуқароларга замонавий уй-жой қуриш учун барча керакли лойиҳаларни тайёрлаб бердик. Шу кунларда хизматчиларимиз «Миробод» бозори ёнида битта 90 хонадонли, Нукус кўчасида учта 156 оилага мўлжалланган 12 қаватли уй-жой лойиҳаларини яратишмоқда. Афросиёб кўчасида 350 хонадонга мўлжалланган 9—12 қаватли уй-жой қурилиши учун ҳам лойиҳа тайёрланмоқда.

Мирзо Улуғбек туманининг Қодиров кўчасида қуриладиган 4 қаватли 169 хонадонга мўлжалланган уй-жой лойиҳаси эса ҳозирда тайёр бўлди. Шунингдек, Собир Раҳимов туманининг Ҳамидхонов кўчасида 100 хонадонли 9 қаватли бинода, Мирзо Ғолиб кўчасидаги 190 оилага мўлжалланган 4 қаватли бино қурилишида ишлар бошлаб юборилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳримиз аҳолиси учун бунёд этилаётган уй-жой қурилишларини жадаллаштириш ва уларни барча керакли материаллар билан таъминлашда Тошкент шаҳар ҳокимлиги барча имкониятларни яратиб бермоқда.

*Илҳом ШЕРМУҲАММЕДОВ.*

*Луқма*

# АДАШГАН ЙЎЛОВЧИЛАР

«Жанубий вокзал» бекатидан трамвайга чиқдим. Трамвай «Санъат музейи» бекатида тўхтаб, сўнгра йўналиш бўйлаб давом эта бошлади. Шу вақт ёнимда ўтирган қария:

— Болам, қаёққа кетяпти? Ахир ўнгга қараб бурилмасмиди? — деб сўраб қолди.

— Йўқ, отахон, бу 1-трамвай, тўғри кетяпти, — деб жавоб бердим.

— Вой, қизиққу, ахир тепасидаги «2» рақамини ўз кўзим билан кўрдимку, — қариянинг жаҳли чиқиб тушишга шайланди.

— Шунақа, бу трамвайдан ажабланманг отахон, — деб гапга аралашди орқада ўтирган киши, — ёзуви сероб, ёнига қаранг — «5» деб ёзиб қўйишибди. Ойнадаги ёзувга бир қараб қўйингларчи...

Ўтирган жойимда ойнага қистириб қўйилган картон қоғоздаги ёзувга кўзим тушди: «10». Трамвайга чиқаётганимда эса ҳайдовчининг ойнаси ёнидаги «1» рақамини кўрган эдим. «Ё, тавба», деб ёқамни ушладим.

Шу пайт чипта сотаётган кондуктор йигитнинг овози эшитилди: «чипта олиш эсингиздан чиқмасин, орқадагилар узатиб юборинглар». У биз ўтирган ўриндиққа яқинлашгач сўрадим:

— Бу нечанчи трамвай, ука?

— Ёзувни кўрмадингизми, опа, 1-трамвай, — жавоб берди у.

— Ахир трамвайингизда ёзилган рақамлар серобку...

Йигит хоҳлаганингизни ўқиб, билиб олинг, дегандай мийиғида кулиб ўз ишида давом этди. Шу пайт бекатда тушаётган ёнимдаги қариянинг: — Э, номерингнинг ҳам падарига лаънат, одамни чалкаштирган, — деган зардали гапи эшитилди...

Дарҳақиқат, нима учун кўплаб трамвай ва троллейбусларда мана шундай ҳолатлар тез-тез учрайди. Қачонгача бундай трамвай ҳайдовчилари чалкашликлар билан йўловчиларнинг асабига тегиб, уларни йўлдан адаштиради?!

*Шарофат БАҲРОМОВА.*

*Касбнома*

# УМР ЙЎЛЛАРИ

***Асқар Боймирзаевни йўловчилар билан доимо ҳамнафас инсон десак асло янглишмаган бўламиз. Тошкент — Москва йўналиши бўйлаб қатновчи 5-рейсдаги тезюрар поездда вагон кузатувчиси бўлиб ишловчи Асқар Боймирзаев ўзининг меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги, одамлар дилига йўл топа олиши билан ҳурмат топаётганлардан.***

Ўз касбининг фидойиси бўлган бу инсон Ўзбекистон — Қозоғистон — Россия давлатлари темир йўлларини босиб ўтиб икки кеча-кундузда Москвага кириб борувчи поездда доимо ҳушёр ва сергаклик билан ўз вазифасини адо этиб келмоқда. У кузатувчилик қилаётган 2-плацкарт вагони 54 ўринга мўлжалланган бўлиб, уни доимо саранжом-сариштa тутишда Асқар аканинг хизматлари каттадир.

Ҳар сафар манзилларига эсон-омон етиб олган йўловчилар кузатувчига миннатдорчилик билдирар эканлар, вагон кузатувчиси ўзига юклатилган вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис этади. Айниқса, у вагоннинг тозалигига, энг муҳими, йўловчиларнинг тинч ва осойишта манзилларига етиб олишларига эътибор қаратади.

— Асқар Боймирзаев энг ўрнак бўларли ходимимиз саналади, — дейди бригада бошлиғи Мавлон Раҳимқориев. — Ўзининг ҳушёрлиги, керак бўлганда ҳар бир одамнинг кўнглига йўл топа олиши билан бригадамиз аъзоларига ўрнакдир. У йўловчиларга ҳамиша ёрдам беради, жавобгарликни тўла ҳис этади. Яна шуни айтиш ўринлики, яқинда унинг ҳушёрлиги билан бир нечта безорилар қўлга олинди.

Асқар аканинг умр йўллари ҳамиша яхшиликларга тўлиб борар экан, у янаям чин юракдан ишлашга, одамлар хизматига сидқидилдан тайёр бўлишга интилиб яшамоқда.

*Баҳромжон ЗОКИРЖОНОВ,*
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.*

# ТОШКЕНТДА ИЛК БОР

1999 йил 5 —13 июнь
кунлари
пойтахтнинг
«ДИНАМО»
спорт мажмуаси
теннис кортларида
аёллар ўртасида

«TASHKENT – OPEN»

халқаро теннис
мусобақалари бўлиб
ўтади.




## Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини теннис байрами билан табриклаймиз!

**Турнирнинг бош ҳомийси — Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

